“Ўзкимёсаноат” АЖ нуфузли S&P Global агентлигининг ESG рейтингини қўлга киритган биринчи Ўзбекистон компанияси бўлди

// 19 fevral 2025 йил
https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-nufuzli-s-p-global-agentligining-esg-reyti



“Ўзкимёсаноат” АЖга нуфузли халқаро S&P Global агентлиги томонидан ESG (экологик, ижтимоий ва бошқарув) рейтинги тақдим этилди.

S&P Global таҳлилларига кўра, “Ўзкимёсаноат” АЖнинг ESG кўрсаткичи 29 баллни ташкил этди.

Халқаро рейтинг агентлиги “Ўзкимёсаноат” АЖда:

- бизнес ахлоқи бўйича етакчи мавқе – коррупсияга қарши юқори стандартлар,
- меҳнат хавфсизлиги ва саломатликни ҳимоя қилиш –ходимларни ҳимоя қилиш бўйича самарали чора-тадбирлар,
- шаффофлик ва корпоратив бошқарув – ҳисобот бериш тизимини мустаҳкамлаш ва ички назоратни кучайтириш борасидаги фаолиятини юқори баҳолаган.

Таъкидлаш жоиз, мазкур рейтинг кўрсаткичи “Ўзкимёсаноат” АЖнинг барқарор ривожланишга

бўлган содиқлигини ва жамият олдидаги катта масъулиятини тасдиқлайди! Бу жамиятимизнинг шаффофлик ва халқаро стандартларга амал қилиш йўлидаги муҳим қадамларидан бири. Жамиятимиз ва тармоқ корхоналари ўз фаолиятини эко-дўстлик ва ижтимоий масъулиятга асосланган тамойиллар асосида ривожлантириб, ҳар томонлама ишончли бизнес маданиятини шакллантирмоқда!

ESG рейтингининг тақдим этилиши халқаро ҳамкорлар ва инвесторларнинг жамиятимизга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Бу эса ўз навбатида, жамиятимиз ва тармоқ корхоналарига барқарор инвестицияларни жалб қилиш, “яшил” лойиҳаларни молиялаштириш ва халқаро бозорларга чиқиш учун янгидан-янги имкониятларга йўл очади!

Аввалроқ “Ўзкимёсаноат” АЖ дунёдаги энг йирик рейтинг агентликларидан бири бўлган Fitch Ratings нинг халқаро BB- рейтингини ҳам қўлга киритган.

“Ўзкимёсаноат” АЖ келгусида ҳам ESG йўналишидаги ислоҳотларни давом эттириб, барқарор ривожланиш тамойилларига содиқ ҳолда фаолият юритишда давом этади!

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати